

Рамазон: Қадр кечасини ҳар қанча нишонласа арзийди



16:56 / 30.03.2024 4277

Рамазон ойидаги Қадр кечасининг фазилати минг ойдан афзал ва мўътабардир. Бу кечада қилинган ибодатлар минг ойда қилинган ибодатлардан яхшироқдир.

Қадр кечасида Аллоҳ таолонинг амри билан фаришталар ҳар бир осмондан ва Сидратул-мунтаҳодан ерга тушишади, тонг отгунича инсонларни дуо қилишади ва дуо қилганларга қўшилиб «омин» деб туришади. Кўпчилик муфассирларнинг фикрича, фаришталар бу кечада Аллоҳ таолонинг кейинги йилги бўлажак қазои қадари билан ҳам тушишади.

Қадр кечаси тонг отгунга қадар турли офат-балолардан омонлик, хотиржамлик кечаси, баракот кечасидир. Бу кечада шайтон ёмонлик қила

олмайди.

Қадр кечаси бошдан-охир фақат саломатлик, омонлик, яхшилик ва баракот билан тўла, унда асло ёмонлик йўқдир. Бу ҳол қуёш ботганидан тонг отгунга қадар давом этади. Тонг отгунича фаришталар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, раҳмат билан ерга тушиб туришади.

Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг шундай деганларини ривоят қилади: **«Қадр кечаси ойдин ва ёқимли бўлиб, на иссиқ, на совуқ бўлади. У кечанинг тонгида қуёш нурлари кўзни қамаштирадиган даражада чиқади».**

Қадр кечасини бундай яширишнинг ҳикмати ўлим вақтини ва қиёмат келишини яширишнинг ҳикмати кабидир.

Қадр кечаси бандалар тоат-ибодатга рағбат ва ҳаракатни кучайтириши, ғофил ва дангаса бўлмаслиги учун яширилган.

Шунинг учун Қадр кечасини ҳар қанча нишонласа арзийди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Қадр кечасини иймон билан, савоб умидида бедор ўтказса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади»**, деганлар.

Биз мазкур улуғ ва муборак кечани иймон кечасига, савоб талаб қилиш кечасига айлантиришга ҳаракат қилайлик.

Бу кечани Аллоҳга, Исломга бўлган иймонимизни янада кучайтиришга, тоат-ибодат билан ўтказишга уринайлик.

Бу муборак кечанинг ҳар лаҳзасини ғанимат билиб, кўпроқ савоб ҳосил қилишга, Аллоҳ таолодан барча эзгу ниятларимиз амалга ошишини, тақдиримиз олиймақом тайин қилинишини сўраб, дуолар қилайлик.

Бу йилги Рамазон ойининг охириги тоқ кечалари:

21 кеча: 30 март (шанба)дан – 31 март (якшанба)га ўтар кечаси;

23 кеча: 1 апрель (душанба)дан – 2 апрель (сешанба)га ўтар кечаси;

25 кеча: 3 апрель (чоршанба)дан – 4 апрель (пайшанба)га ўтар кечаси;

27 кеча: 5 апрель (жума)дан – 6 апрель (шанба)га ўтар кечаси;

29 кеча: 7 апрель (якшанба)дан – 8 апрель (душанба)га ўтар кечаси.

Аллоҳ таоло барча мўмин-мусулмонларга Рамазоннинг охириги ўн кунлигида Ўзини рози қиладиган амалларни қилишга муваффақ айласин!

Манбалар асосида Хуршид Маъруф тайёрлади